

Алишер Навоийнинг туркий халклар маънавий хазинасига кўшган хиссаси бекиёс. У зотнинг яратган шох асарлари инсоният руҳий-маънавий дунёси намояндалари Жалолиддин Румий, Хофиз Шерозий, Данте, Вильям Шекспир, Лев Толстойлар ижод намуналари билан бир сафда туради. Агар киёсласак, баъзи ўринларда Алишер Навоий асарларидағи юксак гуманистик гоялар ифодаси “классик” дея эътироф этилган кўплаб Гарб адиллариникидан кўра устунрок эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу маънода мустакил мамлакатимиз ёшларини баркамол инсон килиб тарбиялашда хазрат Навоий асарлари мухим ахамият касб этади. Умуман, Алишер Навоий барчамизни руҳий поклашга, маънан юксалтиришга кодир безавол маънавий кудратдир.

Истиклолгача бўлган даврда Алишер Навоий ижодига нисбатан тор маънода ёки сиёсийлаштирилиб ёндашилганлиги бугун сир эмас. Шоир асарларининг нотўгри талкинлари, уни динга салбий муносабатдаги шахс сифатида тасвирлашга уриниш, тадқикотларда Навоийнинг ижодий фаолиятидан кўра ижтимоий ва сиёсий ишларига ургунинг каратилганлиги халқимизнинг буюк маънавий меросдан узок вакт бебаҳра колишига сабаб бўлди. Мустакиллик шарофати билан аллома ижодкорнинг асарлари кенг микёсда ўрганила бошланди, хазрат Навоий хакида биз билмаган кўплаб хакикатлар рўёбга чиқди, шоир асарларидағи дунёвий ва илохий гоялар ва бадиий маҳоратга оид масалалар хар томонлама тадқик килишга киришилди. Юкорида таъкидланганидек, мутафаккир шоирнинг ижодини ўрганиш ва хис килишга барчамиз эҳтиёжмандмиз, демак, бу хайрли ишларни келажакда яна катта хафсала билан давом эттиришимиз керак.

Гарчи бугунги кунгача буюк шоир ижодига багишлаб монография, илмий тадқикотлар кўплаб эълон килинган бўлса-да, турли кўлланма ва дарсликларда Навоий ижодига анчайин кенг ўрин берилса-да, Алишер Навоий ижоди яхлит кўлланма шаклида тақдим этилмаган эди. Шу маънода Д. Юсупованинг мазкур ишига навоийшуносликдаги илк тажриба сифатида ёндашилса, максадга мувофик бўлади.

Мазкур кўлланма Алишер Навоий хаёти, навоийшуносликнинг шаклланиши, ривожланиши ва шоирнинг ижодий мероси таҳлил этилган мавзулар хамда шу мавзуларни жадвал, чизмаларда акс эттирган икки йирик кисмни ўз ичига олади. Замонавий педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, талабага мавзуларни кўргазмали тарзда мультимедиа ва компьютер технологияларидан фойдаланиб тушунтириш кучли ижобий самарага эга. Кўлланманинг иккинчи кисмидаги жадвал ва чизмалардан айнан кўргазма, слайдлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Кўлланмада мустакилликдан кейинги Алишер Навоий асарлари талкинларида диний ва сўфиёна ёндашув, айни пайтда, турли ёндашувларнинг комплекс холда, бир-бирини инкор килмаган холда олиниши алоҳида эътиборга молик жихатлардандир. Алишер Навоийнинг лирик мероси, хусусан, шоирнинг форсий шеърияти билан баглиқ таҳлиллар, “Хамса” таҳлилида бешликдаги хар бир достон кириш ва хотима кисмларининг алоҳида кўриб чиқилганлиги, “Лисону-т-тайр” достонининг гоявий-бадиий хусусиятлари борасидаги карашлар, Алишер Навоийнинг ёдномалари, адабиётшунослик, тарих ва тилшуносликка, ислом фикхи ва тасаввуфга оид асарлари таҳлили кўлланманинг илмий кимматини оширган.

Умуман олганда, ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг Алишер Навоий даврига багишланган мазкур кўлланма ўзининг фактларга бойлиги, ўкувчига янги маълумотларни

бера олиши, содда ва тушунарли услуги билан нафакат талабалар, балки соҳа мутахассислари, кенг аудитория вакилларининг кизикишини уйғотишига умид билдирамиз.

Афтондил ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори